



Муфтий хазратлари, гарчи ўз ватанидан четга чикиб, олис ўлкага шайланганини сир тутса-да, айгочилар унинг сафаридан хабар топиб, миршаблар ёрдамида ушлаб олишди. Муфтий камокка олингач, ноилож тақдирнинг ёзиги шу эканини англади. Бирок умиди батамом сўниб, ўлдириб юборишади, деб сира ҳам ўйламасди. Ахир, уни кимсан – Америка президенти кутаётган эди-да!..

Ракиби кўп муфтий

XX аср бошларида Туркистонда кечган жаидчилик ҳаракатини Бехбудий хазратларисиз тасаввур қилиш қийин. У жаидча мактаблар очиб, ўзи дарслик ёзган буюк мураббий, матбуотимиз ва адабиётимиз ривожига катта хисса қўшган, ўзбек драматургиясига асос солган адиб, исломий эътиқодли уламо бўлган. Ўша дамларда Махмудхўжа Бехбудий Самарқанднинг муфтийи бўлиб ҳам фаолият кўрсатган эди.

Ана шундай уламонинг, табиийки, ракиблари кўп бўлиб, улар факат рус

мустамлакачиларигина эмас, жохил ва мутаассиб уламолар ҳам эди. Муфтий хазратлари мустамлакачиларнинг шовинистик муносабатларини кўл остидаги халкни кўлдан чиқармаслик ниятида қилинаётган ҳаракат деб билар, аммо мутаассиб муллаларнинг жохиллигини кўриб...

Хуллас, мутаассиблар муфтий Махмудхўжани ўзларига ракиб деб билар, улар ҳар қандай янгиликка қарши эдилар. Улар ҳатто 1914 йилнинг 3 январь куни Самарқанддаги Улугбек мадрасасида жума кунги намозда ваъз ўқиб, аҳли муслимга: «Усули жаҳидчиларнинг ва русча ўқитмокка ташвиқ қилатургонларнинг кофирлиги ва ҳар ким боласини усули жаҳид мактабига берса, ўзи кофир, хотини талок» бўлиши ҳақида фатво берадилар. Табиийки, бу ҳуруфот тезда «миш-миш» шаклида бутун Туркистон бўйлаб «бола»лади. Бехбудий хазратлари куюниб, мутаассибларга жавоб сифатида «Ойна» журналининг 1914 йил 12-сонида «Фавқулдда тақфир» номли мақоласини чоп эттирди.

Хуллас, авомга жаҳидчилик моҳиятини тушунтираётган бир пайтда ҳуруфотчиларнинг бу қиликлари ортиқча эди. Бехбудий ана шундай қийин вазиятда ўлкамизда жаҳид мактаблари, нашриёт, кутубхона, газета ва журналлар очишни йўлга қўя олган, ракиблари кўп уламо эди.

Мурасасиз кураш

Гарчи Саййид Олимхон Петербургда ўқиб, Россия ва дунёда кечаётган сиёсий бўҳронлардан хабардор бўлса-да, 1910 йил тахтга ўтиргач, арқони давлат ишларини бойликка муқкасидан кетган амалдорлар ва мутаассиб рухонийлар ихтиёрига бериб, ўзи кўпинча ҳаётини маишатбозлик билан ўтказди.

Бехбудий хазратлари Шарқда ҳамон доврўги баланд Бухорои шарифдаги мутаассибона бошқарув услўби, тараккиётдан орқада қолиб, ўлкада яна жоҳилият замонининг қайтадан бошланишидан ҳавфсиради. Айниқса, «Ёш бухороликлар»дек тараккийпарвар қуч атрофидаги қишларнинг амир томонидан зиндонга ташланиши, қатл этилиши Бехбудийни қаттиқ қайғуга соларди.

Бехбудийнинг «ёш бухороликлар» билан алоқаси борлигини яхши билган Саййид Олимхон эса уни ўзининг ашаддий рақиби, деб биларди. Хусусан, Самарқанддаги қозихоналарда мирзалиқ, қозилиқ, муфтийлик қилган Бехбудийнинг жаҳид мактаблари, театр труппалари очиш бўйича қилаётган ишлари, нафакат Туркистон, балки Россиядаги матбуот нашрларида қосилган мақолалари унинг номини бу пайтда анча машҳур қилганди. Арабистон, Миср, Туркия сингари шарқ давлатларини кезган Бехбудий қоят обрў-эътиборли қиши саналарди. Ҳатто 1907 йили Самарқандга қелган жаҳидчилик ҳаракатининг асосқиси Исмоил Гаспиралининг Бехбудийниқиди меҳмон бўлгани унинг номини янада машҳур қилиб юборди. Буларнинг бари Саййид Олимхонга яхши маълум бўлиб, ана шундай обрўли зотнинг «ёш бухороликлар»ни қўллаб-қувватлаётгани амирга

ёкмасди. Айникса, сиёсий воқеалар «козони» кайнаган 1917 йилга келиб, хатто, русияликларнинг ҳам у билан муросага бораётгани амирнинг гашини келтирди. Амир ўз тахтини кулатмокчи бўлаётган «ёш бухороликлар» ортида Бехбудий турмаётганмикан, деган хаёлгаям борди.

Бу вақтда Самарканд Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли вилоят бўлиб, сиёсий уйғониш авж олган вазиятда Бехбудий жамоат арбоби сифатида ҳам машхур кишига айланди. Мустамлака амирлик ҳукмдори Олимхон шундай вазиятда бир гуруҳ туркистонликларни Бухорода қабул қилди. 1917 йилнинг апрелида бўлган учрашувда Бехбудий ҳам иштирок этган. Кизиги шундаки, расмий қабул маросимида амир Олимхон хатто гуруҳдаги барча туркистонликлар билан қўл бериб сўрашади, аммо Бехбудийга қўл бермай, эътиборсизлик кўрсатади. Бу ҳолатнинг сабаби ҳам Бехбудий «ёш бухороликлар» билан маслақдошлигида эди.

Айнан Бухорода бўлиб, амирнинг қабул маросимида ўзини тутиши, амалдорларнинг мутаассибона қарашларини, умуман, амирликдаги вазиятни ўрганган Бехбудий «Хуррият» газетасининг 1917 йил 1 май сониде «Бухоро воқеалари ва дафъи тухмат» сарлавҳали мақоласини чоп эттирди. Ушбу мақолада сиёсий уйғониш замони қелган бўлса-да, амирнинг ҳамон Русия мустамлакачилари, ҳусусан, Бухородаги элчихона бошлиғи Миллер таъсиридан чиқолмаётгани, «семизлигидан захмат чекаётган «амир»нинг мутаассиб диндор ва амалдорлар қуршовида қолиб кетаётганлиги»ни ёзганди.

Бехбудийнинг Бухородаги вазият ҳақидаги мақоласидан сўнг амир айғокчиларини унинг изига қўйиб, «газетада уриб чиққан» «Қадарқуш»чига жазо бериш йўлини излай бошлади. Хатто, бухоролик қадимчилар амир билан қелишган ҳолда Бехбудийга имзосиз хат ёзиб, уни қўрқитиб қўймокчи бўлдилар.

Бехбудий бу ҳақда яна «Хуррият» газетасининг 1917 йил 16 июн сониде мақола ёзиб чиқади. «Қақроқ айтарман, қим мани қўрқутарман, деб бехуда захмат чекмасун, ўшал исмсиз мактубнинг таклифига мувофиқ, жавобимизни мана газетада ёздук ва энди мактуб эгасининг бизга юборатурган ўлумига мунтазирмиз. Хар ҳолда ўлум бирдур, икки эмас!».

Бехбудийнинг бу мақоласи амирнинг айбини очиб, яна унинг газабини қелтирди. Натижада Олимхон Бехбудийни ўлим билан қўрқитмок эмас, балки ўлдирмок қерақ, деган фикрга қелди.

Муҳолифатчилар йўлга қикдилар

1917 йилнинг октябрида Петербургда бўлган давлат тўнтаришидан сўнг ҳоқимият тепасига қелган большевиклар сиёсати мустамлақачилиқ тўнининг ўзгариши эди, ҳолос.

Табиийки, Туркистонда кечган бу жараёнга «босмачилик» деб хато номланган истиклолчилик – совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати кўп йиллар қаршилик кўрсатиб, озодлик учун кураш олиб борди.

Бу ҳаракатнинг 1918-19 йиллардаги дастлабки босқичини кузатган Бехбудий энг макбул йўл хорижга бориб, большевикларга қарши қайфиятдаги давлат раҳбарларидан ёрдам олиб, қучни бирлаштириш ва қашқарчи зарба бериш, деб билди. Шу ниятда 1919 йил 25 март кун маслакдошлари Мардонкул Шомухаммад, Мухаммадкул Ўрунбой ва бир турк билан Самарқанддан махфий равишда чиқиб кетди.

Бу вақтда тошкентлик Садриддинхон, Нуриддинбек ва Саидносир Миржалоловлар Туркияга, Мустафо Чўкаев эса Европага йўл олган, Шерали Лапин ҳам Европа давлатлари раҳбарларига хат билан мурожаат қилганди. Улар Қўқонда тузилган Туркистон мухторияти раҳбарлари бўлиб, большевиклар ва арман дашноқлари томонидан мухторият қонга ботирилган, хорижий давлатлардан мадад қўтиб, йўлга чиққан большевикларнинг муҳолифлари эди. Муфтий Бехбудий хазратлари эса АҚШ президенти билан учрашишни ният қилиб сафарга отланди.

Бу пайтда биринчи жаҳон уруши тугаб, қўлиб бўлган Антанта давлатлари Парижда Версал конференциясини ўтказаятган эди. Большевиклардек мустамлақачи очоқларнинг дунёга гегемонлик қилишини қўлаб хориж давлатлари, хусусан, биринчи қалда АҚШ истамасди. Туркистон мухторияти раҳбарлари эса АҚШ президентиға мактуб йўллабгина қолмай, ундан жавоб хати ҳам олгандилар...

АҚШ президенти муфтийни қутганмиди?

Ўша вақтдаги АҚШнинг 28-президенти Томас Вудро Вилсон (1856-1924) большевикларга қарши кураш ташаббусқори бўлиб, қад тиклаятган «ўрис айиғи» ни «бешиғи»гаёқ бўғиш ниятида эди. У АҚШ президенти сифатида эмас, Нобел муқофоти совриндори сифатида ҳам дунёда обрўси қаланд бўлиб, большевикларга қарши курашчилар билан музоқарага тайёр эди. Вилсон 1919 йил 18 январда Парижда бошланган тинчлик конференциясида большевикларга қарши курашаятган барча муҳолифатчиларға махсус хат йўллаб, уларни Шахзода ороллариға таклиф этганди. Олти оролдан иборат мазкур сўлим маскан Истанбулнинг ёнғинасида бўлиб, қарб давлатлари раҳбарларининг бу ерга денғиз йўли билан етиб қелиши қўтилаятганди.

Вилсон муҳолифатчилар билан қучларни бирлаштириб, большевикларға зарба бериш ва тугатишни Париж тинчлик конференцияси қун тартибидаги долзарб масалалардан бири этиб қўйганди. Шу боис, бу масалани Истанбул яқинидаги оролда бевосита муҳолифатчилар билан муқоама қилиш, вазиятни батафсил тахлил қилишға тайёр эди.

АҚШ президенти билан эса теран мулоҳазали, вазиятни беш қўлдай қиладиган

туркистонлик большевиклар мухолифатчиси музокара олиб бориши керак эди. Бундай инсон эса ўша вақтда Бехбудий бўлиб, у Бокуга, ундан Истанбулга ўтиб, Шахзода оролларига етиб бориши ва биринчи жаҳон урушида голиб бўлган давлат раҳбарлари билан болшевизмга қарши кураш бўйича музокарани бошлаши керак эди.

Муфтийни ким қўлга туширди?

Бу пайтга келиб, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигидан ташқари, Ўрта Осиёнинг катта қисмини эгаллаётган большевиклар, хусусан, уларнинг айғокчилик маҳкамаси – ВЧК кенг тармоқ отиб улгурганди. ВЧК аксилайғокчилик тармоғи орқали Версал конференциясида большевикларга қарши кураш масаласи муҳокама этилишидан, унда большевикларнинг ичкаридаги мухолифатчилари иштирок этишидан бохабар бўлганди. Шундай экан, қайсидир мухолиф киши ёки гуруҳнинг четга чиқиши қандайдир йўллар билан Версал конференциясига боришидан дарак берарди. Ўша вақтда Туркистон ичида «босмачилар»дан ташқари, бош мухолифат лидери, табиийки, муфтий Бехбудий хазратлари бўлиб, унинг 1919 йил февралида Тошкентга келиб, вазият билан танишиб кетгани ҳам ВЧКга маълум бўлган.

Қўп ўтмай, Самарқандга қайтиб келган Бехбудийнинг у ерда туркиялик Наим афанди билан учрашгани ҳақидаги хабар тезда уларга етиб боради. Бундай вазиятда эса кузатув остидаги Бехбудий уйида қўринмай қолди. Шунинг ўзиёқ ён-атрофдан муфтийнинг дарагини излаш ишлари олиб борилишига сабаб бўлди. Тошкентдаги большевиклар ВЧКасига Русиянинг Бухородаги элчихонаси ходими Уткин Бехбудийнинг Бухорога келганини қўрган одамлар борлиги ҳақида хабар беради. Муфтийнинг яна бир мухолифи амир Саййид Олимхондан уни тутишда фойдаланиш маъқуллиги эса тезда энг мақбул вариант сифатида танланади. Бундан олдинроқ большевиклар Бехбудийнинг амир билан рақиблигини билиб, муфтийдан Олимхонни қўлатишда фойдаланишни ҳам ўйлагандилар. Бироқ Бехбудийнинг нафакат амир билан, балки большевиклар билан ҳам муросага боролмаслиги аён бўлганди. Шундай экан, уни амир қўли билан гумдон қилиш энг осон йўл эди. Бехбудийнинг Самарқанддан пинхона чет элга чиққанидан огоҳ бўлгач эса бундан қўлай пайт сифатида фойдаландилар. Яъни, олдинга чор оҳранқаси, эндиликда эса ВЧК айғокчиси бўлган Уткин Бухородаги кизил Русия элчихонаси ходими сифатида амир билан тезда боғланиб, Бехбудийнинг Бухорога келиб, «ёш бухороликлар» билан учрашгани, бу ердан Олимхонга қарши қўч тўпламоқ мақсадида хорижга кетаётганини шипшитган. Бу эса муфтий Бехбудийни шундоғам жини суймайдиган амир учун қўлай бўлди. Боз устига, муфтий амирлик ҳудудида экан. Шу тарзда большевиклар амир қўли билан Бехбудийнинг изига тушди.

Натижада 1919 йил апрелида амир буйруғига қўра, Шахрисабзга етиб борган Бехбудий ва унинг уч ҳамроҳи қамолка олинади. Бу ҳақдаги хабар 1919 йилнинг 23 апрелида «Меҳнатқашлар товуши» газетасида чоп этилиб, муфтий «Бухоро тупроғидан ўтаётганларида турк муаллим Наим Афанди ила Қарши шаҳри беги тарафидан қўлга

олиниб, зиндонга ташлангани» айтиб ўтилганди. Большевикча матбуот цензураси томонидан тайёрланган бу хабар оркали гўёки Бехбудий амир буйругига кўра, Тогайбек томонидан зиндонга солингани, яъни муфтийнинг халк орасида обрў қозонганини билатуриб, халқдаям амирга қарши қайфиятни қучайтириб, ўзларини оқ қилиб кўрсатмоқчи бўлгандилар.

Зиндондаги раҳмдил жаллод

Муфтийнинг хамроҳи бўлмиш Наим афандини Туркия билан муносабатларни ёмонлаштирмай, дея Қарши шаҳри беги қўйиб юбортиради. Бехбудий, Мардонкул ва Мухаммадкуллар эса Қарши шаҳрига олиб келиниб, шахсан Тогайбек томонидан зиндонда қийноқ ва азобларга солинади. Обрў-эътиборли муфтийнинг қийноққа солинишидан, ҳатто, бекнинг жаллоди Аҳмад ваҳимага тушиб, Тогайбекдан муфтийни озод қилишни ўтиниб сўрайди. Бекдан буни илтимос қилишининг сабаби, улар муфтийни зиндонбанд қилганларида, Бехбудий уларга махфий сафарларини яшириб, ҳажга кетаётимиз, деб айтган эди. Шу йўл билан у мусулмон бек ва жаллодларнинг қўлидан озод бўлишни ўйлаганди.

Аммо Тогайбек муфтийга қарата: «Сизлар жаҳид ва қофирдирсиз, Бухорога, жаноби олийга тиг тортган сизнинг маслакдошингиз эмасмилар эди? Сизларни ўлдурмоқ керак. Сизлар қутулмоқ учун Байтуллоҳга бормокни баҳона этиб кўрсатасиз», дейди. Ҳатто муфтийнинг тарафини олган жаллоди Аҳмаднинг қалтаклатиб, сўнг ўлимга ҳукм қилади.

Бехбудий ва унинг хамроҳларини эса, «Наука и просвещение» журналининг 1922 йил 1-сонига хожи Муиннинг мақоласидаги фикрларга кўра, «ўзлари учун қабр қазигга мажбур эдилар ва шу қабр ёнида уларни бўғизлаб, шу ерга қўмадилар».

Шу тариқа 1919 йил июн ойининг бошларида Қарши шаҳрида буюқ маърифатпарвар муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий 44 ёшида қоғизли қатл қилинди. Гарчи, улар маърифатчи Бехбудий шахид бўлса-да, истиклолга интилган аждодимиз сифатида тарихда қолди ва қолажак.

Умид Бекмуҳаммад